

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВ ТЕМУР АБДУРАШИДОВИЧ**

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИНИ КОМПЛЕКС  
КЛИНИК-ЭХОГРАФИК ДИАГНОСТИКАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ –2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Юлдашев Темур Абдурашидович**

Сурункали буйрак касаллигини комплекс клиник –  
эхографик диагностикасининг замонавий жиҳатлари ..... 3

**Юлдашев Темур Абдурашидович**

Современные аспекты комплексной клинико-  
эхографической диагностики хронической болезни  
почек..... 26

**Yuldashev Temur Abdurashidovich**

Modern aspects of comprehensive clinical  
and ultrasound diagnosis of chronic kidney  
disease..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

---

**ЮЛДАШЕВ ТЕМУР АБДУРАШИДОВИЧ**

**СУРУНҚАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИНИ КОМПЛЕКС  
КЛИНИК-ЭХОГРАФИК ДИАГНОСТИКАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/Tib4097 –рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот–таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсупалиева Гулнора Акмаловна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Фазилов Акрам Акмалович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Джураева Нигора Мухсумовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227–13–27; факс: (+99871) 246–15–96; e–mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227–13–27; факс: (+99871) 246–15–96.)

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

**Диссертация мавзусини долзарблиги ва унга бўлган талаб.** Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда болалар ва катталарда буйраклар сурункали касаллиги частотасининг ортиши ҳамда бу касалликнинг хаёт сифати ва ижтимоий активликка бўлган таъсири долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, «...умумлаштирилганда бутун дунёдаги ўлим сабабаларининг 74% ноинфекцион касалликлар ҳиссасига тўғри келади, бунда 2019 йилдаги ўлим сабабаларидан буйрак касалликлари биринчи ўринни эгаллайди...»<sup>1</sup>. Буйраклар сурункали касаллиги ноинфекцион касалликларнинг оғир асоратига олиб келади, бу эса 2030 йилга қадар ноинфекцион касалликлардан эрта ўлимни учдан бирга қисқартиришни Бирлашган миллатлар ташкилотининг барақарор ривожланиш мақсадларига киритилишига сабаб бўлди. Сурункали буйрак касаллигини эрта ташхислаш, касалликда буйракларда кечувчи морфологик ўзгаришларни баҳолаш, даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, сурункали касалликнинг қайтмас босқичларини олдини олиш ва прогнозлаш долзарб илмий муаммолардан бирилигича қолмоқда.

Жаҳонда сурункали буйрак касаллигининг ривожланишини прогнозлашда клиник-морфологик қонуниятларини баҳолаш, ҳамда уларни эрта ташхисоти бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада сурункали буйрак касаллиги ташхисотини оптималлаштириш ва жадаллашувининг олдини олиш глобал тамойил бўлиб, нефрология соҳасининг асосий вазифаси ҳисобланади. Комплекс эхография сурункали буйрак касаллиги ташхисотида беморни нурланишсиз ёки контрастсиз, ноинвазив ва арзон, ҳамда етарли миқдорда анатомик деталларни кўрсатувчи усул бўлиб, стандарт рентгенографияни ўрнини эгаллади. Ультратовуш доплерографияси эса қон айланишининг йўналиши ва тезлигини баҳолашда кенг қўлланилмоқда. Ушбу барча омиллар буйраклар функцияси бузилишларини прогнозлаш ва эрта аниқлашга кўмаклашиб, терапевтик қарор қабул қилиш учун зарурдир ва ҳал этилмаган саволларга алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан

<sup>1</sup> <https://www.who.int/data/gho/data/themes/mortality-and-global-health-estimates>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

холда, жумладан, сурункали буйрак касалликларининг ривожланишини прогнозлашда клиник-эхографик қонуниятларини баҳолашни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ 6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда сурункали буйрак касаллиги (СБК) бирламчи муаммоларидан бўлиб, миллионлаб инсонларга ўз таъсирини кўрсатмоқда, бунда глобал тарқалганлик даражаси 10,5%дан 13,1% гачани ташкил этади (Дорофеева Е.Г., 2019; Р.К. Li, 2020). Барча беморларда креатинин, мочевина, коптокча фильтрациясининг тезлиги (КФТ), дақиқалик диурез даражалари аниқланади, бу эса буйракларнинг функционал қобилияти ҳақида хулоса чиқаришга имконият беради, бироқ, ўрганилган кўрсаткичлар турли ҳолатларда (семизлик, ортиқча оксилли овқатланиш, организмнинг метаболизм ва катаболизм даражаси, иқлим ва экологик омиллар, ҳамроҳ касалликлар ва ҳ.к.) кўп жиҳатдан ўзгариши мумкин, шунинг учун уларни мутлақо ишончли деб ҳисоблаб бўлмайди (Марчелло Тонелли, 2014; Доброуравов В.А., 2017; Николаев А.Ю., 2019).

Замонавий рус ва хорижий муаллифларнинг тадқиқотларига асосан буйрак тўқимасининг генетик материаллари, буйракларнинг морфологик ўрганилиши, электрон микроскопия ва биопсия материалларига оид маълумотлар, бу амалиётчи шифокорлар ишини енгиллаштиради, аммо, ҳар бир клиникада ҳам бундай мураккаб морфо-функционал тадқиқот усуллари мавжуд эмас (Бобкова И.Н., 2014; Рей С.И. 2019; Крю Дейдра, 2019). Шу сабабдан кенг тарқалган УТТ усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ, бироқ ультратовушнинг рангли ва импульсли тўлқинли доплерографиясининг буйрак ичи, жумладан бўлакчалар аро томирларнинг қон оқимини ўрганишга асосланган ёндашув ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари орасида сурункали буйрак касалликларини самарали ташхислаш, даволашнинг замонавий технологияларни қўллаш ва олдини олиш борасида қатор муаллифлар илмий

тадиқотлар олиб боришган (Б.Т.Даминов, М.А.Сабиров, Ш.С.Абдуллаев, М.М.Каримов, Д.А.Эгамбердиева, А.Л.Аляви, К.М. Даминова, 2022), бироқ, сурункали буйрак касалликларининг ривожланишини прогнозлашда клиник-эхографик қонуниятларини баҳолаш такомиллаштирилмаган.

Сурункали буйрак касаллигини эрта аниқлаш, даволаш ва унинг ривожланишини профилактика чора тадбирлари самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий тадиқотлар амалга оширилмаган. Технологиялар тараққий этган сари визуализациянинг бу усуллари доимий такомиллашиш ва инновацияни талаб этади, ҳамда, СБКни янада самарали ташхислаш ва даволашдаги имкониятларни яхшилади. Сурункали буйрак касаллигини ташхислашда аниқланган комплекс клиник-эхографик критерийларини баҳолаш, ҳамда СБКнинг турли даражаларини эрта ташхислашнинг прогностик аҳамиятини ўрганиш чора-тадбирлари тактикасини такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг амалий жиҳатдан энг муҳим ва долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ИЗ-2021012420 рақамли амалий илмий лойиҳа доирасида “Сурункали буйрак касалликлари комплекс диагностикаси учун дастурий маҳсулотни яратиш” мавзусида амалга оширилди (2021-2024 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади** буйракларнинг сурункали касаллиги клиник-эхографик диагностикасини беморларни комплекс текшириш тизимида замонавий ультратовуш усулларида қўллаган ҳолда такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Сурункали буйрак касаллигини (СБК) буйраклар зарарланиш босқичларига кўра клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш.

СБКда буйрак зарарланиши характерини баҳолашда кулранг шкалали эхография имкониятларини аниқлаш.

СБКда зарарланиш босқичларига боғлиқ ҳолда асосий, бўлақлараро, ёйсимон, бўлақчалараро аретриялар сатҳида буйрак гемодинамикасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.

СБК кечувини прогнозлаш ва клиник-лаборатор-эхографик диагностикаси шкаласини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган нефрология ва трансплантология илмий-амалий маркази базасида 2019-2023 йилларда текширув ва даволанишдан ўтган 203 нафар бемор бўлиб, улардан турли босқичдаги буйраклар сурункали касаллиги бўлган 151 та беморлар ва 52 та назорат гуруҳидаги амалий соғлом инсонлардир.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида касаллик клиник тасвирнинг ўзига хос томонлари, лаборатория ва комплекс эхография (кулранг шкала, доплерография) диагностикасининг натижалари хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажаришда клиник-лаборатор усуллар билан бир қаторда комплекс ультратовуш текширувлари, кўрсатмага кўра МСКТ ва МРТ усуллари, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилар билан изоҳланади:

сурункали буйрак касаллигини эрта босқичларида аниқлашда рангли картирлаш билан импульсли доплерографияни қўллаган ҳолда буйрак паренхимасининг бўлакчалараро артериялари даражасидаги зарарланишини аниқлашни имконият берадиган усул эканлиги исботланган;

сурункали буйрак касаллик диагностикасида интраренал қон оқимининг қаршилиқ индекслари ва буйрак зарарланиши ҳар бир босқичида систолик ва диастолик чизиқли тезлик параметрлар ўзгариши ҳисобига импульсли доплерографияни қўлланилиши асосланган;

сурункали буйрак касаллигининг кечув даражаси оғирлашиши рангли картирлашда буйрак паренхимасининг васкуляризациясининг камайиши, импульсли доплерографияда интраренал артерияларида диастолик тезлик кўрсаткичларини пасайиши, ҳамда қаршилиқ индексларининг ортиши нефросклероз босқичига боғлиқ эканлиги исботланган;

сурункали буйрак касаллиги яширин даврида аниқлаш, ҳамда сурункали буйрак етишмовчилигига ўтиш босқичини эрта ташхислашда интраренал қон томирларининг доплерографик кўрсаткичларини баҳолаш клиник-лаборатор-эхографик шкаласи ва башоратлаш мезонлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилар билан хулосаланади:

СБКнинг турли босқичларида буйрак гемодинамикаси доплерографик ҳамда кулранг шкаласи эхография кўрсаткичларининг асосий фарқлари аниқланди, бу беморларни текшириш вақтини қисқартириш ва тадқиқотнинг ташхислаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

текширув жараёнида касалликнинг клиник белгиларсиз кечувчи эрта босқичлари бўлган беморларда буйраклар паренхимаси ва гемодинамикасида СБКга хос бўлган ўзгаришларнинг мавжудлигини кўрсатувчи клиник-эхографик белгилар аниқланган, бу беморларни прогнозлаш ва уларни даволаш тактикасини белгилаш имконини берган;

беморларда СБКнинг клиник-ультратовуш семиотикаси батафсил ўрганилди, тизимлаштирилди ва тўлдирилди ҳамда унинг асосида диагностик шкаласи яратилди, ҳамда клиник амалиётга кенг жорий этилиши СБКга шубҳа қилинган беморларни текширишни янада мақбуллаштирган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган клиник ва инструментал тадқиқот усулларида, шунингдек олинган маълумотларни статистик қайта ишлашнинг тўғри стандарт усулларида фойдаланганлик билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг ўз назарий аҳамияти борлиги, СБКни эрта аниқлашнинг клиник, лаборатор (қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлили, сийдик таҳлили) комплекс ультратовуш (кулранг

шкалалари, доплерографик) текширувлар каби диагностик мезонларини аниқлашга жиддий улуш қўшиши билан тушунтирилади. Бу эса яқиний хулосани объективлаштиришга ёрдам беради.

Текширувнинг амалий қиймати ўтказилган таҳлил СБКни аниқлашда буйрақларнинг комплекс клиник-эхографик текширувларини ўтказишнинг клиник аҳамияти ҳамда мақсадга мувофиқлигини асослаш, ишлаб чиқилган электрон шкала эса буйрақлар сурункали касаллиги ривожланишининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини мониторинг ва таҳлил қилиш, диагностик маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, сақлашни автоматлаштириш, умуман олганда тиббиётни рақамлаштириш жараёни, хусусан диагностик жараёни такомиллаштириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали буйрақ касаллигини комплекс клиник-эхографик диагностикасининг замонавий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: сурункали буйрақ касаллигини эрта босқичларида аниқлашда рангли картирлаш билан импульсли доплерографияни қўллаган ҳолда буйрақ паренхимасининг бўлакчаларо артериялари даражасидаги зарарланишини аниқлашни имконият берадиган усул эканлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими 2022 йил 30 декабрда №8 н-р/1605 сон билан тасдиқланган “Сурункали буйрақ касаллиги ташхисида комплекс клиник-эхографик тадқиқотлардан фойдаланиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси 2023 йил 4 декабрдаги №155 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган нефрология ва трансплантология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 5 декабрдаги №73 буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги №05/41-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* СБК жадаллашуви ёки оғирлик даражасини баҳолаш учун ишлаб чиқилган клиник-лаборатор ва доплерографик параллеллар амалиётда янада кенг қўлланиши зарур, бу эса беморларни даволашни бошқариш ва коррегирловчи даволаш тактикасига таъсир этиб, СБЕ ривожланиш хавфини эрта ташхислашда катта аҳамиятга эга. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* тавсия этилган клиник-лаборатор ва ультратовуш мезонларини тадбиқ этишнинг иқтисодий самарадорлиги 1 беморга 260000 сўмни ташкил этади. *Хулоса:* СБК бўлган беморларда кейинчалик вужудга келиши мумкин бўлган хавф гуруҳини эрта аниқлаш имконини оширувчи илмий асосланган ишончли клиник-лаборатор ва доплерографик параллеллар аниқланди.

иккинчи илмий янгилик: сурункали буйрақ касаллик диагностикасида интратенал қон оқимининг қаршилиқ индекслари ва буйрақ зарарланиши ҳар бир босқичида систолик ва диастолик чизиқли тезлик параметрлар ўзгаригалиги ҳисобига импульсли доплерографияни қўлланилиши

исботланганлиги аниқланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими 2022 йил 30 декабрда №8 н-р/1605 сон билан тасдиқланган “Сурункали буйрак касаллиги ташхисида комплекс клиник-эхографик тадқиқотлардан фойдаланиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси 2023 йил 4 декабрдаги №155 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган нефрология ва трансплантология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 5 декабрдаги №73 буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги №05/41-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* касаллиги 2 ойдан узоқ давом этган ҳамма нефрологик беморларга тўлдирилган нефрологик протокол бўйича клиник ҳолат ва коптокчалар фильтрациясини баҳолаш, шунингдек, буйракларда қон айланишнинг доплерографик кўрсаткичларини ўрганиш, касалликнинг эрта босқичларида БСКни прогнозлаш самарасини оширади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* эрта ташхислашни ошириш, ўз вақтида даволаш ва СБЕ ривожланиш хавфини олдини олиш билан хулосаланади. диагностика марказлари орасида бир нефросцинтиграфия текширувининг ўртача қиймати  $465,0 \pm 15,2$  минг сўмни ташкил этган бўлса, буйраклар доплерографияси  $165,0 \pm 12,5$  сўмни ташкил қилган. Тадқиқотлар қийматининг фарқини ҳисоблаш натижасида аниқландики, доплерографияни ўз ичига олган комплекс УТТ усули бир бемор учун ташхисот нархи ўртача  $300,0 \pm 2,7$  минг сўмга камаяди. **Хулоса:** тадбиқ этиш натижалари СБК бўлган беморларни ўз вақтида аниқлаш, айти вақтда даволашни олиб бориш, бу эса СБЕ ривожланишини камайтириши, гемодиализ ва буйрак трансплантациясини ўз вақтида ўтказиш имконини берди ва хар бир бемор учун  $300,0 \pm 2,7$  минг сўм иқтисод қилиш имконини берган.

*Учинчи илмий янгилик:* сурункали буйрак касаллигининг кечув даражаси оғирлашиши рангли картирлашда буйрак паренхимасининг васкуляризациясининг камайиши, импульсли доплерографияда интратенал артерияларида диастолик тезлик кўрсаткичларини пасайиши, ҳамда қаршилиқ индексларининг ортиши нефросклероз босқичига боғлиқ эканлиги исботланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими 2022 йил 30 декабрда №8 н-р/1605 сон билан тасдиқланган “Сурункали буйрак касаллиги ташхисида комплекс клиник-эхографик тадқиқотлардан фойдаланиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси 2023 йил 4 декабрдаги №155 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган нефрология ва трансплантология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 5 декабрдаги №73 буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги №05/41-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* СБК бўлган беморларга буйраклар

паренхимасининг барча сатҳларида қон айланишнинг доплероетрик ҳисоблаш билан тўлдирилган ультратовуш текширувини ўтказиш тавсия этилади, чунки бу буйракичи гемодинамикасини баҳолашнинг энг сезгир усули ҳисобланади ва бундай ёндашув буйракларда қон айланиш ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумот беришини таъминлайди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* СБКнинг эрта предикторларини аниқлаш ҳамда ушбу касаллик ривожланиши бўйича хавф гуруҳларини аниқлаш билан тушунтирилади, бу ўз навбатида ташхисот муддатининг камайиши ҳисобига иқтисодий ҳаражатни 3,5 баравар пасайтиришга олиб келиб иқтисодий самарадорликнинг 210 000 сўм бўлиш имконини беради. **Хулоса:** СБКнинг барча босқичларида буйраклар паренхимаси сатҳида қон айланишининг доплерографик ультратовуш кўрсаткичлари пасайиши ҳамда васкуляризация даражасининг пасайиши салбий прогностик мезон сифатида қўлланилади ва 3,5 баравар пасайтиришга олиб келиб иқтисодий самарадорликнинг 210 000 сўм бўлиш имконини берган.

*тўртинчи илмий янгилик:* сурункали буйрак касаллиги яширин даврида аниқлаш ҳамда сурункали буйрак етишмовчилигига ўтиш босқичини эрта ташхислашда интрааренал қон томирларининг доплерографик кўрсаткичларини баҳолаш клиник-лаборатор-эхографик шкаласи ва башоратлаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими 2022 йил 30 декабрда №8 н-р/1606 сон билан тасдиқланган “Сурункали буйрак касаллиги ривожланиш босқичини баҳолаш учун дастурий маҳсулотни жорий этиш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси 2023 йил 4 декабрдаги №156 буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган нефрология ва трансплантология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 5 декабрдаги №74 буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги №05/41-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* дастурга кўра СБК ривожланиш хавфининг ҳеч бўлмаसा битта клиник, лаборатор ёки эхографик омили бўлган барча шахслар КФТни ўлчаш билан, альбуминурия/протеинурия даражасини баҳолаш ҳамда зарурий бўлган буйралар томирларини доплерографияси билан ультратовуш текширувидан мунтазам ўтишлари шарт. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ташхис аниқлигини ошириш, даволаш ҳаражатларини камайтириш, оғир босқичлардаги СБКни даволаш ва госпитализация қилиш самарадорлигини ошириш, меҳнатга лаёқатсизлик муддатини қисқартиришдан иборат ва бир бемор учун умумий иқтисодий фойда 1200000 сўмни ташкил этади. **Хулоса:** юқори хавф гуруҳларида мақсадли йўналтирилган текширувлар йўли билан СБК бўлган беморларни эрта аниқлашга тизимли ёндашув шифокор вақтини ҳамда лаборатор текширувлар ҳажми ва қийматини тежашга ёрдам беради ва бир бемор учун умумий 1 200 000 сўмга ҳаражатларни иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференциялар, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини соп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та журнал мақоласи, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асослаб берилган, мақсад ва вазифалар акс эттирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишининг республика фан ва технологиялар устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, илмий янгилик ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижалар ишончилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниш рўйхати, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак касаллигининг учраш частотаси ва катта ёшли аҳолида хавф омиллари**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва миллий адабиёт манбаларининг шарҳи ҳамда СБК эпидемиологияси, этиология ва патогенези, шунингдек замонавий ёндашувлар таҳлили келтирилган. Ўтказилган таҳлил натижалари тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад ва вазифаларини асослаб берди. Резюмеда СБК бўлган беморларда комплекс УТТни қўллаш йўли билан эрта ташхисот ва скринингни такомиллаштириш долзарблиги тўғрисида хулоса келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал тавсифи ва текширув услублари**» деб номланган иккинчи бобида СБКнинг турли босқичлари бўлган ва тадқиқотга киритилган беморлар тавсифланган. Клиник, шунингдек замонавий технологиялар қўллаш йўли билан лаборатор текширув усуллари қўллаш билан комплекс тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бу бобда ўрганилаётган беморлар тавсифи, шунингдек тадқиқотда қўлланилган усуллар тўғрисида ахборот келтирилган. Қўйилган вазифаларни ечиш мақсадида биз 203 та беморни, шу жумладан 18 ёшдан 89 ёшгача бўлган СБКнинг турли босқичлари билан оғриган 151 та бемор (56 та эркак ва 95 та аёл) ва 18 ёшдан 79 ёшгача бўлган таққослаш гуруҳини ташкил

этувчи 52 та (13 та эркак ва 39 та аёл) амалий соғлом шахсларни текширувдан ўтказдик.

Катта ёшлар контингентининг ёш ва жинсини таҳлил қилиш аёлларда СБК устунлик қилишини - 63,0% (n= 95) кўрсатди (1-жадвалга қаранг).

Комплекс текширув натижаларига кўра асосий гуруҳ беморлари қуйидагиларга бўлинди:

I гуруҳни СБК 1-2 босқичи (60-89 мл /мин /1.73 м2) бўлган 48 та (31,8%) беморлар ташкил этди;

II гуруҳни СБК 3 босқичи (30-59 мл/мин/1,73 м2) бўлган 66 та (43,7%) (улардан 3 А босқичи -30 (45,4%), 3Б босқичи - 36 (54,6%)) беморлар ташкил этди;

III Гуруҳ СБК 4-5 босқичи (<15-29 мл/мин/1.73м2) билан оғриган 37 та (24.5%) (4 -босқич - 20 (54.0%), 5- босқич (БЕТБ) - (46.0%) беморлардан иборат;

IV назорат гуруҳини (n=52) БКФ (>90) нормал бўлган амалий соғлом одамлар ташкил этди.

1-жадвал.

**Беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши (n=151)**

Жинси		Ёши, йил				Жами	
		18-44	44-59	60-74	75-90	абс.	%
Эркаклар		18	21	15	2	56	37,0
Аёллар		27	36	29	3	95	63,0
Жами	абс	45	57	44	5	151	100
	%	29,8	37,7	29,2	3,3		

Таҳлил олиб бориш жараёнида СБК 1-2 (1-гуруҳ) 3А ва 3Б (2-гуруҳ) ва 4-5 (3-гуруҳ) босқичлари бўлган беморлар ҳам битта гуруҳга бирлаштирилди.

Кулранг шкалали эхография, доплерографик режимларни ўз ичига олган буйраклар ва сийдик йўллари комплекс УТТ технологиялари тавсифланган. Буйрак ва буйрак томирларининг кенг қамровли ултратовуш ташхисини ўтказиш учун «TOSHIBA» компаниясининг «Aplio 500» ускунасидан фойдаланилган. Бунинг учун В-режимда 3,5 МГц сканерлаш частотаси билан конвексли датчик қўлланилди, шунингдек, умумий қабул қилинган услубда рангли ва энергетик доплер текширувлари қўлланилди. Пульсацион, энергетик доплер режимида асосий буйрак артериясининг диаметри, бўлаклараро, ёйсимон ва бўлакчалараро артерияларнинг ҳолати аниқланди. Допплер текширувида миқдорий таҳлил ўтказиш учун ўрганилаётган томирнинг тизимли чўкки (Vs), якуний диастолик (Vd) ва бир цикл учун қон оқимининг ўртача тезлиги (Vave) натижалари баҳоланди. Қайд қилиш бемор нафасини ушлаб турганда амалга оширилди. Бўлаклараро

артерияларда (Vd, Vs), ёй артерияларида (Vd, Vs) ва бўлакчалараро артерияларда қон оқимининг тезлиги ўрганилди.

Тадқиқот доирасида тавсифловчи статистика амалга оширилди. У ўрганилган намуналарнинг ҳар бири учун медиана (Me) ва 25, 75 процентильни ҳисоблашни ўз ичига олган. Таққослаш учун Манн-Уитни Т-омили ва Фишер кўрсаткичларининг дастлабки бурчакли ўзгариши билан Стьюдент Т-омили ишлатилган. Корреляцион боғланишлар учун Спирменнинг даражалар корреляцияси (r) ишлатилди.  $p < 0,05$  қийматлари статистик аҳамиятга эга деб қабул қилинди. Маълумотларни таҳлил қилиш учун Microsoft Excel дастурлари ишлатилган.

Диссертациянинг «СБК бўлган беморларда комплекс клиник-эхографик текширувлар натижалари» деб номланган учинчи бобида клиник-лаборатор ва УТТ текширув натижалари келтирилган. СБКнинг дастлабки босқичларидан клиник манзарани таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, касалликнинг дебютдан охиригача беморда бош оғриғи ва шиш синдроми безовта қилади, бу мос равишда 49,6% ва 44,3% ни ташкил қилди. Бу, эҳтимол, текширилганларнинг кўпчилигида (63,3%) аниқланган артериал гипертензия таъсири билан боғлиқ. 37 та (24,5%) ва 8 та (5,2%) беморларда инспиратор типда нафас қисилиши ҳамда сабабсиз ва жисмоний зўриқишсиз юрак уриб кетишининг пайдо бўлиши қайд этилган. Шунинг айтиши лозимки, дастлабки босқичлардан бошлаб беморларнинг аксариятида чанқоқлик ҳисси 47 та (31,3%), шунингдек, бир қатор диспептик бузилишлар (35,7%) кузатилди. Улардан кўнгили айниши ва қайт қилиш беморларни энг кўп безовта қиладиган ҳолат бўлиб, 23 та (15,2%) ни ташкил қилди. Бунда, беморларнинг бир қисми 22 та (14,5%) узоқ муддатли анорексия қайд этилди. Олинган маълумотлар сурункали буйрак касаллиги (СБК) кўпинча артериал гипертензия (66,2%), шиш (44,3%) билан бирга келади ҳамда сезиларли (21,1%), ўртача (30,4%) ёки енгил (31,1%) суткалик протеинурия билан бирга кузатилиши мумкин деган хулосага келишимизга имкон берди. Юрак (45,3%), диспепсия (45,3%) ва анемия (47,3%) синдромлари ҳам намоён бўлиши мумкин. Бош оғриғи кўпроқ (49,6%), бел соҳасидаги оғриқ эса камроқ кузатилди (35,0%). Клиник симптомларнинг частотаси ва СБК босқичининг ортиши ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланди.

СБКнинг турли босқичларида буйракларнинг филтрлаш функцияси СБК 1-2 босқичининг назорат ўлчамлари ҳамда оптимал босқичнинг меъёрий кўрсаткичларга мос келишини ва статистик жиҳатдан фарқ қилмаслигини кўрсатди. Ўртача ўзгаришлар бўлган СБК билан оғриган беморларда буйрак филтрлаш кўрсаткичларининг таҳлилида СБК 3А босқичи учун  $11,0 \pm 1,0$  ммоль/л ва СБК 3Б босқичида  $12,3 \pm 1,3$  ммоль/л (2-жадвалга қаранг).

Креатинин концентрацияси худди шундай статистик сезиларли даражада ошди ҳамда филтрация кўрсаткичлари СБК 3А босқичида  $201,1 \pm 9,1$  ( $P < 0,001$ ) моль/лгача, СБК 3 Б босқичида  $228,1 \pm 12,1$  ( $P < 0,001$ ) моль/лгача пасайиши тўғрисида гувоҳ берди. Табиийки, СБКнинг 3 Б босқичида мос равишда БКФ ва КРнинг  $46,0 \pm 3,9$  мл/мин ва  $96,2 \pm 1,2\%$  гача пасайишини

кузатдик. Клиник жихатдан куйидаги оптимал гуруҳдаги беморлар ҳам, ўртача ўзгаришлар гуруҳидаги беморлар ҳам ўзига хос эътибор талаб қилдилар, чунки уларнинг клиник манзарасини «ёлғон фаровонлик» деб тавсифлаш мумкин. СБКнинг охир 4-5 босқичи бўлган беморларнинг буйрақларидаги парциал функцияларини текшириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича фильтрация функцияси деярли 3-4 баравар ёмонлашгани қайд этилди. Бу мочевина концентрацияси, шунингдек креатинин концентрацияси ортиши билан ифодаланди.

2-жадвал

### СБКнинг турли босқичларида фильтрациянинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат (n=30)	1 гуруҳ n=48	2 гуруҳ n=66		3 гуруҳ n=37	
		СБК-1,2 90-60	СБК-3А 59-45	СБК-3Б 44-30	СБК-4 29-15	СБК-5 <15
Қонда мочевина ммоль/л	4,4 ± 2,0	4,2 ± 2,2	11,0 ± 1,0**	12,3 ± 1,3**	27,3 ± 2,0**	4,4 ± 2,0
Қонда креатинин ммоль/л	63,0 ± 6,2	62,0 ± 6,1	201,1 ± 9,1***	228,1 ± 12,1***	441,2 ± 11,3***	63,0 ± 6,2
Сийдикда креатинин ммоль/л	9,0 ± 0,6	9,6 ± 0,5	11,0 ± 0,6**	11,4 ± 0,6**	15,1 ± 1,1***	9,0 ± 0,6
МД мл/мин	0,94 ± 0,02	0,91 ± 0,05	1,0 ± 0,04**	1,1 ± 0,06**	0,8 ± 0,2	0,94 ± 0,02
БКФ мл/мин	90,1 ± 1,3	93,1 ± 1,2	44,0 ± 2,5***	46,0 ± 3,9***	34,3 ± 2,5***	90,1 ± 1,3
КР %	97,6 ± 0,6	99,3 ± 0,7	95,0 ± 1,1	96,2 ± 1,2	93,3 ± 3,9	97,6 ± 0,6

Изоҳ: \*(P<0,05); \*\*-(P<0,01); \*\*\*-(P<0,001)- СБК 1,2 босқичли гуруҳдагиларга нисбатан кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти.

Ўртача кўрсаткичлар буйрақларнинг функционал хусусиятларини ёмонлашиши тўғрисида ишончли гувоҳлик бериб, мочевина концентрациясининг 27,3 ± 2,0 ммоль/лгача ва креатининнинг 48,4 ± 2,3 ммоль/л гача ортиши билан ифодаланиб, СБКнинг оғир 4-5 босқичларига тўғри келди.

Буйрак парциал функциялари томондан дақиқали диурезнинг 0,5 ± 0,1 мл/мингача пасайиши кузатилди. СБКнинг оғир босқичлари мочевина даражасининг жадал ортиши ҳамда максимум 48,4 ± 2,3 ммоль/лгача етиши билан ифодаланди. Бундай динамика креатинин даражасига нисбатан ҳам кузатилди, бунда унинг концентрацияси терминал болсқичда ўртача 666,3 ± 10,2 ммоль/лни ташкил этди. Баъзи беморларда мочевина ва креатининнинг максимал кўрсаткичлари 990,1 ммоль/лгача ортиши аниқланди.

Шунингдек, СБКнинг оғир С4 босқичида БКФ ўлчамларининг 29 мл/миндан 15 мл/мин ( $1,73\text{м}^3$ ) гача пасайиши, сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичида (С5) БКФ кўрсаткичларининг кескин пасайиши,  $<15$  мл/мин ( $1,73\text{м}^3$ )га етиши аниқланди (1-расмга қаранг).



СБК бўлган беморларда қондаги мочевина даражаси ўзгаришларининг динамик эгри чизиғи ммоль/л

СБК бўлган беморларда креатинин даражаси ўзгаришларининг динамик эгри чизиғи ммоль/л

СБК бўлган беморларда қоннинг БКФ ўзгаришларининг динамик эгри чизиғи, мл/мин

**1-расм. СБК турли босқичларида буйраклар филтрацион функциялари бузилишларини баҳолаш (n=151)**

Шу муносабат билан биз уларни асосий устувор синдромларга бирлаштиришга ҳаракат қилдик:

- Астеноневротик синдром. У асабийлашиш, уйқучанлик, ташвишланиш, эътибор ва хотиранинг пасайиши, эшитиш қобилиятининг пасайиши, бош оғриғи, бош айланиши, вақти-вақти билан қўл ва оёқ мушакларида тиришишлар билан кузатиловчи уйқусизлик, пай рефлексларининг пасайиши сифатида намоён бўлди. Ушбу синдром I гуруҳдаги 3 та (1,9%) беморда, II гуруҳдаги 41 та (17,1%) беморда, шунингдек III гуруҳдаги 27 та (17,8%) беморда аниқланди.

- Юрак-қон томир синдроми. Бу нафас қисилиши, юрак соҳасидаги оғриқ ва оғирлик, артериал гипертензия ва у билан боғлиқ шикоятлар, юрак соҳасидаги оғирлик ва юрак уриб кетиши, тахикардия билан намоён бўлди. Юрак-қон томир синдроми I гуруҳнинг 22 та (14,5%) беморларида, II гуруҳнинг 52 та (34,4%) беморларида, шунингдек III гуруҳнинг 32 та (21,1%) беморларида аниқланди. Оғир босқичларда бўлган баъзи беморларда АВ блокадалари ва юқори даражадаги градацияли юрак ритми бузилишлари қайд этилди.

- Диспептик синдром 54 та (35,7%) беморда анорексия, оғизда қуруқлик ва аччиқлик, кўнгил айнаши, таъм бузилиши, диарея, ошқозон ва ўнг қовурға равоғи остида оғирлик ҳисси шаклида намоён бўлди.

- Суяк-бўғим синдроми барча беморларнинг 12 тасида (7,9%) қайд этилган ҳамда суяклар, тиззалар, фалангалар орасидаги бўғимлар, умуртқа

поғонасидаги оғриқлар билан намоён бўлди, бу остеопороз ва гиперурикемиянинг жадаллашуви билан изоҳланди.

- Дистрофик синдром асосан касалликнинг кеч босқичларида (5 та (3,3%) 2-гуруҳ беморларида, шунингдек 8 та (5,2%) 3-гуруҳ беморда кузатилди) ҳамда терининг қуриши ва қичишиш, вазн йўқотиш ва мушак атрофияси билан намоён бўлди.

- Гематологик синдром СБКнинг 3Б босқичидан бошлаб 34 та (22,5%) беморда Брайт анемияси, тромбоцитопения, бурун ва милкдан қон кетиш шаклида кузатилди.

- Шиш синдроми артериал гипертензия билан бирга кечиб, кўпчилик беморларда (I гуруҳдаги 14 та (9,2%), II гуруҳдаги 29 та (19,2%) беморда, шунингдек III гуруҳдаги 32 та (21,1%) беморларда қайд этилди). Шиш кўпинча қўллар, оёқлар шишишидан бошланиб, кейин аста-секин қорин бўшлиғига ўтди. Баъзи беморларда асцит бор эди.

Навбатда буйрақлар биометрик ўлчамлари ўзгаришларининг натижаларини келтириб ўтамыз (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал.


### СБКнинг турли босқичларида буйрақлар ўлчамларининг кўрсаткичлари (M±m)

Буйрақлар ўлчамларининг кўрсаткичлари	Назорат n= 52	СБК босқичлари				
		Оптимал	Ўртача		Оғир	БЕТБ
		1,2 босқич n= 48	С 3А n=30	С 3Б n=36	С4 n=20	С 5 n=17
Буйрак ҳажми, см <sup>3</sup>	140,1± 5,7	168,4±14,06	169,3±12,61	169,6±12,44	148,4±18,62	94,9±9,51
Узунлиги, см	11,2± 0,41	12,6±0,62	12,4±0,66	12,1±0,56	11,1±0,11	9,1±0,33
Кенглиги, см	5,3±0,12	5,8±0,44	5,9±0,42	5,8±0,44	5,1±0,41	4,6±0,33
Қалинлиги, см	4,9±0,23	5,1±0,29	5,2±0,31	4,8±0,42	4,7±0,46	4,1±0,21
Паренхима, см	1,6±0,06	1,9±0,13	1,8±0,14	1,7±0,11	1,5±0,15	1,1±0,1
Пўстлоқ қисми, см	0,71±0,03	0,89±0,6	0,84±0,04	0,81±0,03	0,68±0,08	0,48±0,08
Пирамидалар кесими, 2 см	0,46±0,04	0,62±0,62	0,58±0,06	0,59±0,03	0,42±0,02	0,31±0,03

Изоҳ: назорат гуруҳи билан фарқнинг ишончлилиги - P<0.001

Келтирилган маълумотлар маълум бир динамикага эга бўлиб, назорат гуруҳи билан таққосланганда буйрақлар ўлчамлари, узунлиги, кенглиги, паренхима ва пўстлоқ қисми қалинлиги ортишига тенденциянинг кузатилиши шунга гувоҳлик берди, СБК 1 ва 2 босқичларида бу кўрсаткичларнинг ортиши (p<0,05), кўпчилик изланувчиларга кўра, асосий патологик жараённинг морфологик активлиги билан келтириб чиқарилган томир оқимининг кўпайиши, стромада гистио-лимфоцитар инфильтратлар мавжудлиги, коптокчалар мезангиал матрицасининг қалинлашиши, буйрак интерстициясининг шиши ва яллиғланиш инфильтрацияси билан боғлиқ.


СБКнинг 3А ва 3Б босқичларида СБКнинг 1 ва 2 босқичларига нисбатан буйраklar ўлчамларининг, айниқса паренхима ва пўстлоқ қисмининг сезиларли кичрайиши кузатилди. Бу натижалар СБКнинг 3 босқичида коптокчалар гиалинози, кейинчалик фиброз тўқима билан алмашинувчи паренхима ва пўстлоқ қисмининг артериолосклерози каби склеротик ўзгаришларнинг эрта белгилари келиб чиқиши тўғрисида гувоҳлик беради. УТТ натижалари СБКнинг турли босқичларида буйраklar ўлчамларининг кўрсаткичлари динамикасини кузатиш имконини беради. СБКнинг 1,2 босқичларида азот ажратиш функцияси сақланган ҳолда ўлчамлар кўрсаткичлари ортади. СБК босқичлари ортиб борган сари, 3С босқичидан бошлаб, айниқса 3Б босқичидан буйрак ўлчамларининг пасайишига тенденция кузатилди (2-расмга қаранг).



**2-расм.** Буйраklarнинг кулранг шкала режимидаги эхограммаси.

А. Чап буйрак паренхимаси қалинлиги кичрайган, эхогенлиги нотекис ошган. Б. Паренхимада жуда юққалашган локал соҳалар ва КЖТ деформацияси аниқланади.

СБКнинг 4-, айниқса 5-босқичда буйрак ўлчамларининг статистик ишончли кичраяди. Ўлчамлар кўрсаткичларининг динамикаси, қоидага кўра, буйраklar паренхима ва пўстлоқ қисми ўзгаришлари билан бирга келади (3-расмга қаранг).




**3-расм.** СБКда паренхима ва пўстлоқ қисми қалинлиги ўзгаришларининг динамик эгри чизиғи

Юқоридагилардан келиб чиқиб, нефросклероз жараёнини жадаллашувининг бошланиши айнан СБК 3Б босқичи билан боғлиқлиги тахмин қилиш мумкин. Нефросклероз жараёнининг жадаллашуви бошланиши тўғрисидаги ультратовуш белгилари билан бир қаторда бу босқичда касаллик жадаллашувини исботловчи бир қатор клиник-функционал ва лаборатор белгилар қўшилади.

Диссертациянинг «СБК комплекс-нур ташхисотида замонавий эхография технологияларининг аҳамияти ва ўрни» деб номланган тўртинчи босқичда СБК бўлган беморларда доплерография маълумотларига кўра буйрак гемодинамикасининг ҳолатини баҳолаш бўйича натижалар келтирилган. Миқдор таҳлили учун чўққи систолик тезлиги ( $V_s$ ), якуний диастолик тезлик ( $V_d$ ) ва текширилувчи томир ўртача цикли ( $V_{ave}$ ), шунингдек, пульсация ( $PI$ ) ва резистентлик ( $RI$ ) индекси натижалари киритилди.

Олинган натижалар СБК 1- ва 2- босқичида назорат гуруҳи ( $P < 0,05$ ) билан тақосланганда қон оқимининг чўққи систолик тезлигининг сезиларли ортишидан гувоҳлик берди. Бу ҳодиса актив яллиғланиш, буйрак паренхима ҳамда пўстлоқ қавати артериолалари гиперемияси ва қонга тўлиши билан тушунтирилади (5-расм). Касаллик жадаллашуви билан артериолалар эндотелийсининг склеротик шикастиланиш белгилари кучайиб борди. СБКнинг 3- босқичида систолик қон оқими ҳолати деярли назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан тенглашди, яъни бир оз барқарорлашув кузатилди, бу эса эҳтимол, буйраклар заҳира имкониятларининг жараёнга қўшилиши билан боғлиқдир. СБК 4-босқичидан бошлаб систолик қон оқимининг тезлигининг ўлчами назорат гуруҳи ва СБК 1-, 2- босқичлари билан қиёсланганда статистик ишончлилик пасайди. СБК 4-босқичида бу гуруҳ текширилган беморларнинг (30 та бемор) асосий буйрак артериясида қон оқимининг чўққи систолик тезлиги ( $V_s$ )  $56,2 \pm 5,1$  см/секни ташкил этди.  $V_d$ , якуний диастолик тезлик ўртача  $17,3 \pm 2,7$  см/секни,  $V_{ave}$  қон оқимининг бир циклдаги ўртача тезлиги  $31,2 \pm 4,6$  см/секни ташкил этди.




**5-расм. СБК турли босқичлари бўлган беморларнинг асосий буйрак аретрияларида қон оқими тезлигининг кўрсаткичлари**

СБКнинг 4-босқичида систолик қон оқими тезлигининг келтирилган ўртача ўлчамлари асосий буйрак аретриясида гемодинамик кўрсаткичларининг ёмонлашиш томонга ишончли фарқи ( $p < 0,05$ ) аниқланди, бу билан қаршилик индексининг 0,7 дан кўп ортиши билан ифодаланди.

Сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал, 5- босқичида назорат ҳамда аввалги 3- ва 4- босқичларга таққослаганда асосий буйрак аретриясидаги қон оқими кўрсаткичлари сезиларли ва ишончли ( $p < 0,05$ ) пасайиши аниқланди.

Буйракичи структураларининг томирларини текшириш буйракнинг барча сатҳида намоён этилди, яъни биз буйракичи гемодинамикасини СБКнинг турли босқичларида бўлақлараро, равоқ ва бўлақчалараро томирларда тўлиқ ўрганиб чиқдик (6-расм).

СБКнинг бошланғич босқичида систолик ва диастолик қон оқимининг тезлик кўрсаткичлари ортиш тенденцияси мавжуд эди. Бу ҳолат буйраклар сурункали диффуз зарарланишининг 1,2 босқичларига хос патологоанатомик механизмлари билан патогенетик боғлиқ. Бу босқичга, СБКнинг бошланғич босқичига томир оқими гиперемияси, гистио-лимфацитар инфилтратлар ҳосил бўлиши ва томир деворлари эндотелийсининг яллиғланишли ўзгаришлари каби кўринишлар хос. Шу муносабат билан, бу босқичда склеротик ўзгаришли альтерация жараёни устунлик қилади.



